XALQ DEPUTATLARI MIRISHKOR TUMANI KENGASHINING QARORI

2021 йил «1» май 1-4-63-К/21 Миришкор туман ҳокимияти

Миришкор туманидаги айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари номларига ўзгартириш киритиш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 4 мартдаги “Шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар ва овулларнинг маҳаллаларини тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек уларнинг чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, уларга ном бериш ва уларнинг номини ўзгартириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 48-сонли қарори ва Географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш тўғрисидаги таклифларни давлат экспертизасидан ўтказиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги эксперт комиссиясининг 2021 йил 10 мартдаги йиғилиш баёни ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2021 йил 6 февралдаги Б-09-сонли йиғилиш баёни топшириқларини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” ги Қонунининг 6 ва 24-моддаларига мувофиқ халқ депутатлари Миришкор туман Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Географик объектарни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича туман комиссиясининг 2020 йил 13 ноябрдаги Б-114-сонли ва 2020 йил 17 декабрдаги Б-120-сонли йиғилиш баёнлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тумандаги “Гулистон” маҳалла фуқаролар йиғини “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Малла” маҳалла фуқаролар йиғини “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғини, “Каттапой” маҳалла фуқаролар йиғини “Жейнов”

маҳалла фуқаролар йиғини деб аталсин.

3. Туман статистика бўлими (А.Боймирзаев), “Ер мулк кадастр” давлат корхонаси туман филиали (А.Қоҳҳоров), туман Молия бўлими (А.Шукуров), туман қурилиш бўлими (К.Худойбердиев) ва бошқа тегишли мутасадди давлат органлари, туман ҳокимлиги билан биргаликда номлари ўзгартирилган маҳаллаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва электрон базани шакллантириш, иш юритиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ барча тадбирларни амалга оширсинлар.

4. Туман ички ишлар бўлими (М.Бўриев) номлари ўзгарган маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи аҳолининг фуқаролик паспортларига, мазкур ҳудуд акс эттирилган йўл белгиларига тегишли ўзгартиришлар киритиш ишларини ташкилий равишда амалга оширсин ҳамда “Дустлик”, “Тинчлик” ва “Жейнов” маҳалла фуқаролар йиғинларига айланма муҳр ва тамғасини тайёрлашга рухсат берилсин.

5. Туман қурилиш бўлими (К.Худойбердиев)га ҳудудларда янги номланган ва номлари ўзгартирилган маҳаллаларнинг янги номлари ёзилган кўрсаткич ва белгилар, пешлавҳаларни замонавий дизайн асосида босқичма-босқич ўрнатилишини таъминласин.

6. Мазкур қарор расман қабул қилинган кундан бошлаб кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Халқ депутатлари туман Кенгашининг Ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш, оила, хотин-қизлар ва ёшлар масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Эркаев) ҳамда Халқ депутатлари туман Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Т.Рўзиева) зиммаларига юклатилсин.

Туман ҳокими **Ш.Ч.Санаев**